

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ХОС КАСБИЙ
ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК
АСОСЛАРИ**

Максадова Мехринисо Сайхоновна

Халкар инновацион университет

Педагогика ва жисмоний маданият кафедраси доценти

Abstract: Мақолада илмий-педагогик адабиётлар, миллий-маънавий мерос намуналари ҳамда педагогика-психология соҳасидаги тадқиқотларни ўрганиш орқали Бошлангич синф ўқитувчиларига хос сифат ва фазилатларини шакллантиришининг назарий асосларини ўрганиши келтирилган. Бундан ташқари бошлангич синф ўқитувчиларига хос сифат ва фазилатларини шакллантиришининг психологик асослари изоҳланган.

Keywords: бошлангич синф, ўқитувчи, бошлангич синф ўқитувчиси, тарбияга йўналганлик, ижодкорлик, меҳнатсеварлик.

Introduction: Ҳозирги замон мактаби муаллимлик шахси ва касбий фаолияти учун зарур бўлган сифат ва фазилатларни эгаллаган, янгича фикрлайдиган, ижтимоий фаол педагогларни талаб қилмоқда. Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари тарихий тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, улар мустақиллик ва тараққиёт йўлига қадам қўйишлари билан асосий эътибор ва маблағларни биринчи навбатда, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашга сарфлаганлар ва бундай сиёsat тарихий тажрибада ўзини оқлади. Мактаблардаги таълим-тарбия ишларининг барчаси ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга йўналтирилган. Таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги, демократиклиги, тарбияланувчиларни хурматлаш Ўзбекистонда таълим соҳасида давлат сиёsatининг асосий тамойилларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам болаларнинг қадр-қимматини хурматлаш, болада меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат, одамларга яхшилик қилиш ва меҳр-мурувват туйғусини тарбиялаш масъулиятли, муҳим вазифадир. Бу вазифани, асосан, узлуксиз таълим тизими муассасаларининг ўқитувчилари амалга оширадилар. Ёшларни ахлоқ-одобли, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга даъват этилган муаллим-тарбиячилар педагогик ахлоқга доир билимларни педагогик маданият, муомала одоби қоидаларини яхши эгаллаган бўлмоқлари лозим... Шунинг учун ҳам ўқитувчилар тайёрлайдиган олий таълим муасасалари олдида муҳим вазифа –

инсонпарварлик тамойилини рўёбга чиқарувчи, юксак маънавий – ахлоқий талабларга жавоб берувчи, педагогик одоб фазилатларини эгаллаб олган бўлажак ўқитувчиларни тарбиялаш вазифаси туради.

Таъкидлаш жоизки, ватанимизнинг психолог олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотларида бўлғуси ўқитувчининг касбий тайёргарлигига доир муаммоларнинг жуда кўп жабҳалари ўрганилган бўлса-да, лекин бошланғич синф ўқитувчиларига хос сифат ва фазилатларини шакллантиришнинг психологик асослари, муаллимнинг миллий-маданий мухитга хос кенг имкониятларини аниқловчи, унинг шахсий ва касбий баркамоллигини таъминловчи муҳим механизм педагог касбий тайёргарлигининг ўзига хос психологик хусусиятлари муаммоси ўзининг тўлиқ ечимини топмаган. Юқоридаги мулоҳазалар “Бошланғич синф ўқитувчиларига хос сифат ва фазилатларини шакллантиришнинг психологик асослари” илмий тадқиқот мавзусини танлашимиз учун асос бўлди.

Methods. Тадқиқотда Е.И.Роговнинг миллий-ҳудудий мухитга мослаштирилган “Ўқитувчи шахсининг касбий йўналганлигини баҳолаш” методикаси; “Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-шахсий сифатларини ўрганиш” анкетаси, назарий таҳлил, кузатиш, сұхбат, тестлар, анкета сўровлари ташкил этиш, педагогик-психологик илмий тажриба, математик статистика методларидан фойдаланилди.

Results and Discussion: Замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак. Боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етуқ, энг тажрибали мураббийлар биркитиб қўйилиши керак. Шунга кўра, таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолиятига хос онгли интизомни ташкил этишгина, ўқувчини билимни эгаллаш ва мустақил фикрлашга ўргатиш шахс шаклланишига ижобий таъсир этади.

Ижтимоий-тарихий таракқиётнинг барча босқичларида ўқитувчи шахси юксак ижтимоий мавқега эга бўлган халқнинг этник онги ва тафаккурининг намунаси сифатида эъзозланган. Ана шундай юксак баҳога лойиқ замонавий бошланғич синф ўқитувчисининг психологияси, яъни унинг шахсий ҳамда касбий сифат ва фазилатлари қандай бўлиши лозим? Психологиянинг ҳозирги таҳлилларига кўра, таълим ва тарбия шакли, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан миллий-этник ҳодисадир [5]. У ўз халқининг (миллатининг) маросимлари, анъаналари, одатлари ва умуман, этнопсихологиясини ўзида акс эттиради. Табиийки, ҳар бир этносга, яъни миллатга хос идеал шу миллатнинг таълим ва тарбиясида рўёбга чиқади. Мазкур парадигма-идеаллар шу этноснинг, халқнинг

онгини, қарашларини, қадриятларини ўзида мужассамлаштиради, миллий онг ва миллий ўзликни англаши эса миллатнинг минг йиллар давомида турмуш тажрибасида орттирган донолигида намоён бўлади. Маълумки, ўқийдиган, тарбияланадиган ёш авлод ҳамма вақт ўз миллатига хос этнопсихологик хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради (ўзлаштиради) [4]. Мазкур хусусиятлар сирасига қуидагилар киради: миллий онгнинг ўзига хос хусусияти ва тафовутли компонентларини сақлаган ҳолда ўзлигини англаши;

миллий тафаккури, фикр юритиш жараёнининг ўзига хослиги; иродавий-ақлий хатти-харакатлари, амаллари, ҳис-ҳаяжонлари ва туйғуларининг ўзига хослиги; бошқа кишилар, бошқа этнос вакиллари билан мулоқот ва ўзаро алоқаларда миллий характернинг ўзига хослиги. Бу эса, таълим ва тарбия мазмунида ўзига хос психологик хусусиятлар бавосита намоён бўлишини тақозо этади. Шунинг учун таълим ва тарбия жараёнларини амалга ошираётганда ўқитувчи қуидаги принцип ва қонуниятларга риоя этиши лозим: а) ўқувчига йўналтирилган психологик-педагогик таъсирлар шу миллатнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлик ва уйғунлик принципи асосида таълим ва тарбия анъанавий тадбирлар орқали амалга оширилиши зарур бўлиб, мазкур тадбирлар тарбияланувчига тушунарли ва шу халқнинг урф одатлари, анъаналари, таомиллари идеаллари билан боғлиқлиги;

б) миллий онг ва миллий ўзига хослик психологик-педагогик фаолиятнинг умумийлиги, бирлиги қонуни, бунда тарбиячи-устознинг фаоллигини этник жамоа вакилининг (ўқувчининг) миллий ўзликни англаш хусусиятини, ахлоқий-ижтимоий қадриятларини эътиборга олган ҳолда ўта оптимал-рационаллиги. Психологик-педагогик тарбиявий таъсирларни сингдириш комплекси (мажмуи) шу этник жамоага хос ахлоқий, ижтимоий-хуқуқий ва ишлаб чиқариш, яъни меҳнат меъёрларининг эволюциясига мослаб ташкил этилиши; тарбияланувчиларнинг маълум психологик-педагогик таъсирларга мослаша олиш имкониятларини эътиборга олиши зарур.

Ушбу назарий маълумотларга ҳамоҳанг тарзда бошланғич синф ўқитувчиси касбий фаоллигини тадқиқ этишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун “Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-шахсий сифатларини ўрганиш” анкетасидан фойдаландик. Тадқиқотимизнинг аниқловчи босқич тажрибаларида педагог ва психолог олимларнинг замонавий мактаб ўқитувчисининг энг муҳим хислатларига бағишилаган мезонлари ёрдамида ишлаб чиқилган “Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-шахсий сифатларини ўрганиш” анкетаси ёрдамида, уларнинг касбий тайёргарлик жараёнидаги шахсга хос хислатлари ҳамда касбий билимларини ўрганишга

эришилди. Уларнинг таҳлилига қўйида алоҳида тўхтаб ўтилади. Ҳар бир банд бўйича ажратилган сифатларнинг ранг кўрсаткичлари, хусусиятларнинг частоталари асосида корреляцион муносабатлари мутахассислар тайёрлаш жараёнида иштирок этган педагоглар ва талабаларнинг муносабатлари асосида таҳлил этилади.

1-жадвал

Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиши шахсий хислатларининг қасбий тайёргарлик жараёнида шаклланиши аҳамиятини ўрганиш натижалари

№	Хислатлар	Ўқитувчилар		Талабалар		t
		X	m	X	m	
1	Ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишлиқ	1,77	1,610	2,35	0,831	2,129
2	Амалий-психологик саводхонлик	2,67	1.30	2,82	1.78	0,438
3	Мехнатсеварлик ва ижодкорлик	2,45	1,41	3,25	1,8	-2,856**
4	Жамоат ишларида фаоллик	3,10	1,75	2,40	1,21	3,618***
5	Меҳрибонлик, дилкашлиқ, одамийлик	2,77	1,77	3,87	1,78	-3,376***
6	Камтарлик, самимийлик	3,02	1,83	3,30	1,82	-0,776
7	Қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишилик	2,55	1,19	2,65	1,84	-0,344
8	Ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилишилик	3,97	2,16	2,67	1,40	3,134**

** $p \leq 0,01$; *** $p \leq 0,001$

Изоҳ: X-ўрта арифметик қиймат; m-стандарт оғизи; t-стъюдент мезони

Ўқитувчи ва талабалар томонидан бошланғич синф ўқитувчисини қасбий тайёргарлик жараёнида шахсий хислатларни камол топтиришнинг аҳамиятини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишлиқ; амалий-психологик саводхонлик; меҳнатсеварлик ва ижодкорлик; жамоат ишларида фаоллик; меҳрибонлик, дилкашлиқ, одамийлик; камтарлик, самимийлик; қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишилик; ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилишилик каби сифатларнинг барчаси текширилувчilar томонидан саккиз даражали ранг кўрсаткичлари бўйича ўртача уч даражали аҳамиятга эгалиги қайд этилган.

Натижалардан кўринадики, қасбий тайёргарлик учун зарур психологик кўрсаткичларни таҳлилига қадар, ўқитувчи ва талабалар шахсий хислатлари қасбий тайёргарлик учун муҳим эканлигини кўрсатишда янгишмаганлар, дейиш мумкин. Бу ўринда ўқитувчilar билан талабаларнинг бошланғич синф ўқитувчиши учун “ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишлиқ” хислати

(1,77 ва 2,35), “амалий-психологик саводхонлик” (2,67 ва 2,82); “камтарлик, самимиийлик” (3,02 ва 3,30), “қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишлик” (2,55 ва 2,65) хислатлари ўртасида фарқлар кузатилмади. Ўқитувчи ва талабалар бошланғич синф ўқитувчиларнинг мазкур шахсий хислатларини шакллантириш аҳамиятини нисбий тенглиқда англағанлар, дейиш мумкин.

Ўқитувчи ва талабалар томонидан бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг шахсий хислатлари касбий тайёргарлик жараёнида камол топиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини ранг қўрсаткичлари асосида қайд этганлар. Ҳаттоқи ушбу хислатларни ранг қўрсаткичлари бўйича солиштиргандага ҳам “ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишлиқ” бир хил ранг қўрсаткични акс эттирганлигининг ўзини ҳам ижобий ҳол дея оламиз. Аммо улар бир қатор шахсий хислатларни фарқли баҳолаганликлари статистик мезонларда ҳам кузатилди: “мехнатсеварлик ва ижодкорлик” (2,45 ва 3,25); “жамоат ишларида фаоллик” (3,10 ва 2,40); “мехрибонлик, дилкашлик, одамийлик” (2,77 ва 3,87); “ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилиш” (3,97 ва 2,67) (2.1-жадвалга қаралсин). Бошланғич синф ўқитувчisi учун зарур шахсий хислатларнинг аҳамиятини ўқитувчи ва талабалар томонидан баҳоланишдаги тафовутлар, уларнинг ранг ва ўрин қўрсаткичлари бўйича ҳам ўз аксини топди (2-жадвал).

2-жадвал

Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчisi шахсий хислатларининг касбий тайёргарлик жараёнида шаклланиши аҳамиятининг ранг кўрсаткичи

№	Хислатлар	Ўқитувчи		Талаба	
		Ранг	Ўрин	Ранг	Ўрин
1	Ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишлиқ	1,77	1	2,35	1
2	Амалий-психологик саводхонлик	2,67	4	2,82	5
3	Мехнатсеварлик ва ижодкорлик	2,45	2	3,25	6
4	Жамоат ишларида фаоллик	3,10	7	2,40	2
5	Мехрибонлик, дилкашлик, одамийлик	2,77	5	3,87	8
6	Камтарлик, самимиийлик	3,02	6	3,30	7
7	Қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишлик	2,55	3	2,65	3
8	Ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилишлик	3,97	8	2,67	4

Ўқитувчилар бу борада қуйидаги шахсий хислатларни ранг кўрсаткичлар асосида камол топтириш муҳимроқ, деб қайд этганлар: “ўз ватанига, халқига содиқлик, “болаларни севишлик” (1); “мөхнатсеварлик ва ижодкорлик” (2); “қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишлик” (3); “амалий-психологик саводхонлик” (4); “мехрибонлик, дилкашлик, одамийлик”(5); “камтарлик, самимийлик” (6); “жамоат ишларида фаоллик” (7); “ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилишлик” (8). Бундан кўринадики, ўқитувчилар бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси учун зарур бўлган инсонпарварликка хос сифатларни, сўнgra эса, айrim касбий сифатларни камол топтириш муҳимлигини қайд этмоқдалар. Талабаларда эса бу бошқачароқ кўриниш олган. Уларнинг назарича эса: “ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишлик” (1); “жамоат ишларида фаоллик” (2); “қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишлик” (3); “ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилишлик”(4); “амалий-психологик саводхонлик”(5); “мөхнатсеварлик ва ижодкорлик”(6); “камтарлик, самимийлик” (7); “мехрибонлик, дилкашлик, одамийлик” (8). Бундан кўринадики, бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик жараёнида шахсий хислатларни камол топтиришда ўқитувчи билан талабаларнинг тасаввурларида яқинлик ва фарқларнинг мавжудлиги борлигини табиий деб айтишимиз мумкин. 2.2-жадвалда бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг “ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишлик”, “амалий-психологик саводхонлик”, “мөхнатсеварлик ва ижодкорлик”, “жамоат ишларида фаоллик”, “мехрибонлик, дилкашлик, одамийлик”, “камтарлик, самимийлик”, “қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишлик”, “ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилишлик” каби шахсий хислатларининг касбий тайёргарлик жараёнида шаклланиши аҳамиятининг ранг кўрсаткичини ўқитувчилар ўзларининг касбий шахсий тажрибалари асосида, талабалар эса тасаввурлари асосида изоҳлашга ҳаракат қилган, дейиш мумкин. Айнан ушбу тарзда бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг шахсий хислатларини касбий тайёргарлик жараёнида камол топиш аҳамиятини ўрганишда хислатларнинг ўзаро корреляцион боғланишларига эътибор қаратдик. Кейинги таҳлилларимиз хислатларнинг ўзаро корреляцион боғланишларига бағишлиланган.

Корреляцион таҳлилда ўқитувчилар ва талабаларнинг шахсий сифатларга муносабатлари ўзаро интеркорреляция қилинди. Ўқитувчилар билан талабаларнинг бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг шахсий хислатларига муносабатлари орасидаги корреляцион боғлиқларидаги тўлиқ алоқадорлик акс этмаган, аммо айrim бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирига тескари боғланиш

ҳосил қилган сифатлар борлигини кўрсаткичлар асосида айта оламиз. Ўқитувчиларнинг “ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишилик” хислатларига муносабати талабаларнинг “мехнатсеварлик ва ижодкорлик” хислати ($r=0,351$; $p\leq 0,05$); “амалий-психологик саводхонлик” хислатига муносабатлари талабаларнинг “мехнатсеварлик ва ижодкорлик” хислати ($r=0,526$; $p\leq 0,01$); “мехрибонлик, дилқашлик, одамийлик” хислати ($r=0,476$; $p\leq 0,01$); “камтарлик, самимийлик” хислатларига ($r=0,674$; $p\leq 0,01$) муносабати билан ижобий боғланишни, “ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилишлик” хислати билан ($r=-0,380$; $p\leq 0,05$) эса салбий корреляцион муносабатни акс эттириди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг “мехнатсеварлик ва ижодкорлик” хислатини баҳолашлари талабаларнинг “амалий-психологик саводхонлик” хислатини баҳолаши ($r=-0,406$; $p\leq 0,01$) билан тескари боғлиқлик ҳамда “мехнатсеварлик ва ижодкорлик” ($r=0,430$; $p\leq 0,01$), “камтарлик, самимийлик” хислатларини баҳолаши ($r=0,333$; $p\leq 0,05$) билан ижобий муносабатни акс эттирганлигини кўриш мумкин (5-илова). Худди шунингдек корреляцион муносабатлар ўқитувчи билан талабаларнинг яна ўн тўртта корреляцион коэффициентларида учради. Бундан кўринадики, ўқитувчилар билан талабаларнинг бошлангич синф ўқитувчисининг касбий тайёргарлик жараёнида хислатларни шакллантириш борасидаги тасаввур ва муносабатларида қисман боғлиқлик, бир катор хислатлар бўйича тескари муносабат ва кўпгина фазилатларни камол топтиришда эса ўзаро муносабат акс этмаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бошлангич синф ўқитувчиси шахсий хислатлари аҳамиятини энди ўқитувчилар ва талабалар муносабатларининг хусусий ҳоллари бўйича таҳлилига мурожаат этиб кўрамиз. Ўқитувчиларнинг шахсий хислатларини камол топтириш борасидаги муносабатларнинг корреляцион боғлиқлик бўйича кўрсаткичлари умумий ҳолдаги (ўқитувчи билан талабалар кўрсаткичлари сингари) манзарани акс эттироқда. Уларнинг муносабатлардаги ички боғлиқлик ҳам яхлит ижобий алоқалардан кўра тарқоқлашган корреляцион коэффициентларда намоён бўлди ва саккизта корреляцион муносабатлар кузатилди.

Уларнинг “ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишилик” хислатини камол топтиришга билдирган муносабати “қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишлик” ($r=0,443$; $p\leq 0,01$); “амалий-психологик саводхонлик” хислатига муносабати “ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилишлик” ($r=0,413$; $p\leq 0,01$); “жамоат ишларида фаоллик” хислатига муносабати “камтарлик, самимийлик” ($r=0,423$; $p\leq 0,01$), “қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишлик” ($r=0,475$; $p\leq 0,01$), “ўз билими ва маҳоратини изчил

оширишга интилишлик” ($r=0,400$; $p\leq 0,01$); “камтарлик, самимилик” хислатига муносабати “ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилиш” ($r=0,485$; $p\leq 0,01$) каби хислатлар билан ижобий корреляцион боғлиқликни акс эттирганини яхши хол деб ҳисобласак-да, аммо “мехнатсеварлик ва ижодкорлик”, “камтарлик, самимилик” ($r=-0,410$; $p\leq 0,01$); “мехрибонлик, дилкашлик, одамийлик” “қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлиш” ($r=-0,326$; $p\leq 0,05$)ни салбий ҳол деб айтишимиз мумкин (6-илова). Чунки, келтирилган сифатларнинг барчаси ижобий, уларнинг бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги жараёнида муҳимлигини бир-бири билан ижобий боғланиш ҳосил қилишини оддий кузатишлар орқали ҳам эътироф этиш мумкин. Демак, касбий тайёргарлик жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда шахсий хислатларни шакллантириш борасидаги педагогларнинг муносабатларига ҳам аниқлик киритадиган томонлари мавжуд экан, деган мулоҳазани бермоқда. Балки бу борада талабаларнинг муносабати ўзгача кўриниш ҳосил қилас. Талабаларнинг бошланғич синф ўқитувчиши шахсий сифатларини шаклланишига билдирган муносабатларидаги корреляция боғланишлар юзасидан ҳам ижобий холни қайд этолмаймиз. Уларнинг кўрсаткичларида ҳам хислатларнинг бир-бирига ички боғлиқликларининг етарлича ва асосли боғланишга эга бўлган жиҳатлари кам кузатилди. Оддийгина талабаларнинг “ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севишлик” хислатига билдирган муносабатлари “амалий психологик саводхонлик” ($r=-0,426$; $p\leq 0,01$) хислати ва “жамоат ишларида фаоллик” хислатлари ($r=-0,502$; $p\leq 0,01$) билан; “мехнатсеварлик ва ижодкорлик” хислатига билдирган муносабатларини “ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилишлик” ($r=-0,354$; $p\leq 0,05$) хислати, “камтарлик, самимилик” хислати эса “қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлишлик” хислати ($r=-0,483$; $p\leq 0,01$) билан салбий корреляцион боғлиқликни акс эттирганининг ўзиёқ таажжубланарлидир. Аслида ушбу сифатлар ўртасида табиий ва оддий ҳолатда ҳам ижобий боғланиш кузатилиши керак, дея оламиз.

Талабаларнинг шахсий хислатларни камол топтиришга билдирган муносабатларида ҳам ижобий корреляция коэффициентини ифодалаган боғланишлар бор, аммо улар мутахассисни тайёрлаш ва камол топтириш учун зарур шахсий хислатларнинг мужассамлашувига етарли эмас: “амалий психологик саводхонлик” хислати, “жамоат ишларида фаоллик” ($r=0,578$; $p\leq 0,01$) хислати билан, “мехнатсеварлик ва ижодкорлик” хислати “мехрибонлик, дилкашлик” ($r=0,563$; $p\leq 0,01$) хислати билан “камтарлик, самимилик” хислати ($r=0,410$; $p\leq 0,01$); “мехрибонлик, дилкашлик, одамийлик”

хислати ва “камтарлик, самимийлик” ($r=0,432$; $p\leq 0,01$) хислати билан ижобий боғланишлар ҳосил қилингандиги қузатилди (7-илова). Шахс хислатларни ифодаловчи ҳолат бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисини камол топтириш учун етарли эмас. Деярли юқоридаги саккизта сифатнинг барчаси орасида етарлича ижобий ички алоқадорлик акс этган ҳолатни касбий тайёргарлик жараёни учун ижобий дея оламиз. Акс ҳолда жараён амалда етарлича эмасдир.

Тадқиқот натижаларининг навбатдаги таҳлили ўқитувчи касбий билимларининг касбий тайёргарлик жараёни учун аҳамиятига билдирилган муносабатини ўрганишга бағишиланган (3-жадвал). Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси касбий тайёргарлиги учун касбий билимларнинг аҳамиятига билдирилган муносабатларнинг қайд этилишида ҳам ўқитувчилар ва талабаларнинг кўрсаткичларида фарқли ва тафовутли қийматлар мавжуд. Уларнинг ранг ва ўринлар бўйича қийматларида ҳам ўзига хосликлар қузатилди. Тадқиқотнинг аҳамиятга эга бўлган жиҳати шундаки, бўлғуси бошланғич синф ўқитувчининг касбий тайёргарлиги жараёнида касбга хос билимларнинг ўрнини баҳолашдаги мезонларга ўқитувчи ва талабалар томонидан бир хил аҳамиятга эга бўлган ўринлар берилган: таълим ва тарбия жараёни моҳиятини чуқур англаш, унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш (1-ўрин); умумий психология, педагогик психология ва тараққиёт психологияси, этнопсихология асосларини эгаллаш (2-ўрин); ҳозирги замон педагогикасининг назарий ва амалий асосларини билиш (3-ўрин). Демак, ўқитувчилар ва талабалар касбий тайёргарлик жараёни учун касбга хос билимларнинг аҳамиятини бир хил тарзда тасаввур қиласи эканлар. Бу эса касбий тайёргарлик жараёнида ўқитувчи томондан етказиладиган маълумотларни ўзлаштиришда талабаларнинг хайриҳоҳ эканликларини англатади.

3-жадвал

Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси касбий тайёргарлиги учун касбий билимларининг аҳамиятини ўрганиш натижалари

№	Мезонлар	Ўқитувчилар			Талабалар			t
		X	m	ўрин	X	m	ўрин	
1.	Таълим ва тарбия жараёни моҳиятини чуқур англаш, унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш	1,33	0,47	1	1,38	0,49	1	-0,467
2.	Умумий психология, педагогик психология ва тараққиёт психологияси, этнопсихология асосларини эгаллаш	2,15	1,11	2	2,23	0,70	2	-0,362

3.	Хозирги замон педагогикасининг назарий ва амалий асосларини билиш	3,94	1,19	3	3,71	1,29	3	0,844
4.	Ўз фанини ўқитиш методикасини билиш	4,66	1,17	5	4,62	0,98	4	0,005
5.	Мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш, уларнинг шахсига таъсир этишнинг самарали усулларини билиш	4,15	1,42	4	5,12	0,80	5	-5,254***
6.	Ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳиятини билиш	5,53	0,68	6	5,12	0,92	5	2,515*

• $p \leq 0,05$; *** $p \leq 0,001$

Бундан кўринадики, талабалар касбга хос билимларни ўзлаштириш иқтидорлари билан ўқитувчининг талабларига мувофиқ келади. Аммо уларда касбга хос билимларнинг услубий жиҳати, фаолиятни ташкил этиш ҳамда инсон психологиясига доир билимларнинг аҳамиятини баҳолашларида эса бир оз фарқлар борлигининг гувоҳи бўламиз. Ўз фанини ўқитиш методикасини билишни ўқитувчилар 5-ўринда, талабалар 4-ўринда; мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш, уларнинг шахсига таъсир этишнинг самарали усулларини билишни ўқитувчилар 4-ўринда, талабалар 5-ўринда; ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳиятини билишни ўқитувчилар 6-ўринда, талабалар 5-ўринда баҳолаганлар. Бундан кўринадики, ўқитувчилар касбий тайёргарлик жараёнида бола психологиясини чукурроқ билиш, ўз фанини ўқитиш учун қўл келишига ёрдам беришини тажрибаларидан келиб баҳолаган бўлишлари шубҳасиз, ўз навбатида, ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳиятини билиш эътибордан четда бўлмаслигини ҳам ўз ўрнида баҳолаганлар. Талабаларда эса ушбу доирадаги билимлар бир хил 5-ўрин билан баҳоланган. Натижаларнинг ранг частоталари бўйича статистик фарқларидан ҳам улар ўртасида тафовутлар ишончлилик кўрсаткичлари билан ифодаланганлигини кўрсатмоқда. Мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш, уларнинг шахсига таъсир этишнинг самарали усулларини билиш ($4,15$ ва $5,12$; $t=-5,254$, $p \leq 0,001$); ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳиятини билиш ($5,53$ ва $5,12$; $t=2,515$, $p \leq 0,05$). Агар ўқитувчилар билан талабаларнинг касбий тайёргарлик жараёнида касбга

хос билимлари қолган мезонлар орасидаги аҳамиятга молик бўлган муносабатларида мувофиқликка эришиш учун таълим-тарбия муҳитида “субъект-субъект”, “устоз-шогирд” муносабат тизимини кенгроқ ва ижобийроқ йўлга қўйишга имкон беради. Таҳлилни давом эттирган ҳолда, касбга хос билимларга билдирилган муносабатлардаги корреляцион боғлиқликка мурожаат этайлик (8-илова). Ушбу таҳлилда ҳам шахс хислатлари корреляцион муносабатлардаги сингари ўқитувчи билан талабаларнинг касбга хос билимлари, касбий тайёргарлик жараёнидаги аҳамиятига билдирилган муносабатларида ҳам мезонлар ўртасида ички алоқадорликлар кенг қамровли ижобий боғланишларни акс эттиргмаган, аммо ижобий ва салбий қийматдаги корреляцион коэффициентлар етарлича акс этган. Ўқитувчиларнинг “таълим ва тарбия жараёни моҳиятини чуқур англаш, унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш” мезонига билдирилган муносабатлари, “ўз фанини ўқитиши методикасини билиш” мезони ($r=0,467$; $p\leq 0,01$) ва “ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳиятини билиш” мезони ($r=0,498$; $p\leq 0,01$) билан тўғри ижобий боғланишга; “ҳозирги замон педагогикасининг назарий ва амалий асосларини билиш” мезони эса “мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш, уларнинг шахсига таъсир этишнинг самарали усулларини билиш” мезони ($r=0,449$; $p\leq 0,01$); “ўз фанини ўқитиши методикасини билиш” мезони билан, “мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш, уларнинг шахсига таъсир этишнинг самарали усулларини билиш” ($r=0,577$; $p\leq 0,01$) ва “ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳиятини билиш” мезони ($r=0,573$; $p\leq 0,01$); “мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш, уларнинг шахсига таъсир этишнинг самарали усулларини билиш” мезони эса “ҳозирги замон педагогикасининг назарий ва амалий асосларини билиш” мезони ($r=0,708$; $p\leq 0,01$), “мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш, уларнинг шахсига таъсир этишнинг самарали усулларини билиш” мезони ($r=0,582$; $p\leq 0,01$), “ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳиятини билиш” мезони ($r=0,665$; $p\leq 0,01$) билан ижобий боғланиш ҳосил қилганлиги таҳсинга сазовор. Шу билан бирга, ўқитувчилар ва талабаларнинг касбга хос билимларга билдирилган муносабатлари орасида салбий корреляцион боғлиқликлар ҳам кузатилди. Масалан, “таълим ва тарбия жараёни моҳиятини чуқур англаш, унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш” мезони билан “умумий психология, педагогик психология ва тараққиёт психологияси, этнопсихология асосларини

эгаллаш” мезони ($r=-0,547$; $p\leq0,01$); “умумий психология, педагогик психология ва тараққиёт психологияси, этнопсихология асосларини эгаллаш” мезони билан “хозирги замон педагогикасининг назарий ва амалий асосларини билиш” ($r=-0,443$; $p\leq0,01$) ҳамда “ўз фанини ўқитиши методикасини билиш” мезони ($r=-0,505$; $p\leq0,01$) ва бошқа бир қатор ҳолатлар шулар жумласидандир. Албатта касбга хос билимларнинг ўрни доимо эътироф этилса-да, уларнинг бошланғич синф ўқитувчилари касбий фаолияти учун аҳамияти ижобий муносабат тарзида акс этиши мақсадга мувофиқдир. Балки натижаларнинг хусусий ҳолати бошқа маълумотлар олишимизга имкон берар. Тадқиқот натижаларига назар солинаркан, ўқитувчиларнинг касбга хос билимларни бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти бўйича муносабатларини ифодалаган корреляция коэффициентлари бу борада анчагина ишлар қилиш лозимлигидан далолат бермоқда .

Ўқитувчиларнинг муносабатларидаги ижобий ички алоқадорликдан қўра салбий муносабатлар анча қўпроқ кузатилмоқда: “таълим ва тарбия жараёни моҳиятини чуқур англаш, унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш”, “умумий психология, педагогик психология ва тараққиёт психологияси, этнопсихология асосларини эгаллаш” мезони эса “хозирги замон педагогикасининг назарий ва амалий асосларини билиш” ($r=-0,371$; $p\leq0,01$) ва “мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш, уларнинг шахсига таъсир этишнинг самарали усусларини билиш” ($r=-0,331$; $p\leq0,01$) мезонлари ўртасидаги боғланишлар яққол мисолдир. Агар бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида юқоридаги нуқсонли ҳолатлар бартараф этилса, педагоглар фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Талабаларнинг бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси касбий тайёргарлиги учун касбий билимларнинг аҳамиятли кўрсаткичлари натижаларини ҳам етарлича ижобий, деб атай олмаймиз. Уларнинг бошланғич синф ўқитувчиларида касбга доир билимларнинг ўрнини устозларига мос тарзда билдирганлар десак янглишилмайди. Талабаларнинг муносабатларida ижобий корреляцион коэффициентлар бор, аммо камдир: “таълим ва тарбия жараёни моҳиятини чуқур англаш, унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш” мезони билан “ўз фанини ўқитиши методикасини билиш” ($r=0,403$; $p\leq0,01$); “хозирги замон педагогикасининг назарий ва амалий асосларини билиш” мезони билан “ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳиятини билиш” ($r=0,412$; $p\leq0,01$) мезонлари ижобий корреляцион коэффициентга эга бўлди. Қолган аҳамиятли коэффициентлар эса салбийдир. Бу

эса афсусланарли ҳол ҳисобланади. Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларга касбий тайёргарлик жараёнида, замонавий педагог учун зарур бўлган касбий билим, шахсий ва касбий хислатлар мужассамлаштирилса, келажакда ўқитувчи ундан касбий фаолиятида оқилона фойдалана олиши мумкин. Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида касбга хос билимларнинг ички боғлиқлигини етарлича таъминлашга эътибор қаратиш лозимдир.

Conclusion. Ҳозирги замон таълими бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги ва унинг шахсий ҳамда касбий камолотига (психологиясига) юксак талаблар қўяди: ҳозирги замон бошланғич синф ўқитувчи касбий фаолиятга мослашувининг самарали кечиши замонавий ўқитиши методларининг ўзига хос хусусиятларини мукаммал эгаллаганлиги, амалдаги таълим ва тарбия тамойилларига қатъий риоя қилиши, замонавий ўқитувчи учун зарур бўлган касбий билим, шахсий ҳамда касбий хислатларни ўзида мужассамлаштирганлиги ва ундан касбий фаолиятида оқилона фойдалана олиши билан белгиланади. Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги жараёнида, ўқитувчи эгаллаши зарур бўлган психологик-педагогик тарбиявий таъсирларнинг мажмуи мазкур этник жамоага хос ахлоқий, ижтимоий-хукуқий ва ишлаб чиқариш меҳнати меъёрларининг эволюциясида мос тушиши ҳамда тарбияланувчиларнинг мазкур психологик-педагогик таъсирларга мослаша олиш имкониятларини ҳам эътиборга олиши зарур.

REFERENCES

- Гаранина Ж.Г. Структура и уровни личностно-профессионального саморазвития будущих специалистов. // Современные проблемы науки и образования. 2013. - №6. - С. 179-183.
- Качалова Л.П. Профессиональная рефлексия как педагогический феномен. // Актуальные проблемы современного образования. 2005. - № 3. - С. 90-97.
- Мураталиева Н. Х. Личностная ориентация будущих учителей начальных классов. Дисс. ...канд. психол. наук- Т.: 2005.-145 с.
- Мақсадова, М. С., & Очилова, З. З. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. "XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ" МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ, 133.

5. Мақсадова, М. С. (2020). Ўқитувчи психологияси. Қарши.: Насаф.
6. Максадова, М. С. (2015). ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ СОВРЕМЕННОГО УЧИТЕЛЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (3), 105-108.
7. Sayxonovna, M. M. (2022). Yosh Pedagogni Kasbiy Moslashuvining Psixologik Xususiyatlari. Miasto Przyszlosci, 24, 487-489.
8. Одилова Н. Г., Рахимова И. И. ФОРМИРОВАНИЕ ЧУВСТВО ОТВЕТСТВЕННОСТИ У ШКОЛЬНИКОВ //Интернаука. – 2017. – №. 26. – С. 21-22.
9. Расулов А.И. Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабат даражалари. Псих. фанл. номз. ...диссертацияси. - Т.: 2001-184 б.
- 10.Рахимова И. И. и др. Развитие инклюзивного образования в современном мире // Интернаука. – 2019. – №. 3-1. – С. 74-75.